

Ҳамюртимиз хорижда «Тафсири Ҳилол»дан диссертация ёқлаб магистр бўлди



13:16 / 11.08.2018 5518

Яқинда ҳамюртимиз Абдулҳафиз Абдураимов Туркиянинг Бурса шаҳридаги Улудағ университети Илоҳиёт бўлимида «Ўзбек муфассири Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири Ҳилол» номли асарида Қуръонни тафсирлаш методи» (Özbek Mufessir Muhammed Sâdik Muhammed Yusuf'un Tefsîr-i Hilâl Adlı Eserinde Kur'ân'ı Yorumlama Yöntemi) номли магистрлик диссертациясини муваффақият ила ҳимоя қилди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ етук аллома, муфассир, муҳаддис, фақиҳ, ўз замонасидаги Ислом оламининг йирик намояндаси, улкан арбоб, Собиқ иттифоқ Олий Кенгашининг халқ депутати, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идорасининг собиқ муфтийси, кўплаб халқаро илмий муассасалар, диний

ташкiлотларнинг аъзоси, Мовароуннаҳр халқларининг диний раҳнамоси эди.

Фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф бутун умрини «Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва Суннатни ўрганиб, амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, бағрикенглик ва биродарлик руҳини таратиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш» шиори остида Аллоҳ таолонинг ҳақ динига, У Зотнинг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган рисолатни тарғиб қилишга бахшида қилган саодатманд инсон эди.

Албатта, ана шундай фақих, улуғ олимнинг йирик асари саналмиш «Тафсири Ҳилол» устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жуда катта бахт ва неъматдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг мазкур олти жилдлик асари бугунги кунда ўзбек тилида ёзилган илк тафсирдир.

Магистрлик диссертацияси ҳимоясига Туркиянинг Анқара шаҳрида «Тафсири Ҳилол» асарига бағишлаб докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида турган Ҳожи Акбар Фарғоний ҳам ташриф буюрди. Бу нафақат ҳамюртимиз Абдулҳафиз Абдураимовга нисбатан ҳурмат, мадад, балки етук аллома, муфассир шайх ҳазратимизга нисбатан юксак эҳтиром белгиси ҳам эди.

Islom.uz портали таҳририяти бўлажак олим билан боғланиб, якунига етган ушбу хайрли иш ҳақидаги таассуротлари билан яқиндан ўртоқлашди.


– «Тафсири Ҳилол» хайрли ишларнинг дебочаси бўлди, – дейди Абдулҳафиз Абдураимов. – Дарҳақиқат, у ҳилол мисоли халқимиз маънавиятига нур сочиб турибди. Асар ҳали қадриятларимиз осмонида янада нурафшонроқ нур таратиб, порлаб туради. Тафсир динимиз асосларини ўрганувчи ҳар бир мўмин-мусулмон учун ўзига хос дастур саналади.

Диссертациядан кўзланган асл мақсад, аввало, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг мазкур йирик асарини дунёга, хусусан турк дунёсига танитиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш бўлса, иккинчи жиҳати, у кишининг Қуръони каримни тафсирлашдаги илм, маҳоратлари, зукколиклари, қолаверса, ўзига хос услубларини очиб беришдан иборат эди.

Мен ана шу жараёнга илмий нуқтаи назардан ёндашишни, тафсир қилишнинг нозик жиҳатларини, нуқталарини тадқиқ этишни лозим топдим. Албатта, бу жуда катта масъулият, оғир юк. Бу ишни ўз маромига етказиб бажара олдим, деб айта олмайман. Чунки, улуғ муфассирнинг ҳаёти ва ёзиб қолдирган диний-илмий мерослари, бу йўлдаги хизматлари кенг қамровли ва ғоятда улкандир. Ўйлайманки, ҳазратнинг илмий мерослари асосида ҳали юзлаб диссертациялар ёзилади, минглаб китоблар нашр қилинади.

Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани билувчи Зотдир.

Image not found or type unknown



Фурсатдан фойдаланиб, мазкур диссертацияни ёзиш, унинг устида ишлаш давомида менга яқиндан кўмак берган, маънан ва фикран қўллаб-қувватлаган фазилатли шайхимизнинг фарзандлари Исмоилжон Муҳаммад Юсуф ва Одинахон Муҳаммад Юсуфларга, «Hilol-nashr» нашриёт матбааси ҳайъатига, Одилхон Ҳамидов, Ҳусайнхон Яҳё Абдулмажид ва Абдулҳодий Фиёсов каби устозларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Барчаларига

Аллоҳдан барокатли ва саодатли умр тилайман!

Islom.uz портали таҳририяти